ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ
ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

Гувоҳнома № 0680-16.02.2018.
ISSN № 2181-9017

Meros

№ 1/2023

М У Н Д А Р И Ж А

МАНБАШУНОСЛИК

Ибрагимов Ф. “Кичик тиб қонуни” асарининг ўрганилиши ҳақида 3
Абдухалимов Б. Формуляры записей о разделе наследства из энциклопедии Абу Хафса ан-Насафи 16
Каримов Ш. Хондамирнинг “Дастур ал-вузаро” асарида Ғазнавийлар давлати вазирлари ҳақида 27
Файзуллаев Ф. Мовароуннаҳрда Шайбонийларнинг ҳокимият тепасига келишига доир айрим мулоҳазалар 36

ТАРИХ ВА ТАРИХШУНОСЛИК

Раджабова Д. Тарихий манбаларни танқидий таҳлил қилиш (XIX аср охири рус шарқшунослиги ва XXI аср бошларидаги ўзбек манбашунослигидаги қарашлар) 49
Пуговкина О. Правовой статус «бывших людей» в советских конституциях ТАССР – УзССР (1918-1937 гг.) 61
Тошев С. Турк тилидаги тадқиқотларда мустақил Ўзбекистон тарихининг ёритилиши..... 74

ҲУЖЖАТШУНОСЛИК

Исматова Н. Россия империяси мустамлакачилиги даврида Бухоро амирлигида вақф мулкчилигининг ҳолати ва хусусиятлари 84

ХАЛҚАРО АЛОҚАЛАР

Миркомилов Э. Шоҳрух Мирзо даврида Темурийлар давлатининг Миср билан дипломатик алоқалари 99

Разаков Ф. Англо-турецкое сотрудничество по противодействию экспансии России в Кокандском ханстве и в Восточном Туркестане (1860–1878гг.) 109

ИСЛОМ ВА ТАСАВВУФ

Таниева Г. XVI–XIX асрларда Ўрта Осиё мусулмонлари ҳаж сафарларининг халқлар маданий-маърифий ҳаётига таъсири 128

Разакова М. Одина Хоразмийнинг тасаввуфдаги баъзи истилоҳларга шарҳи 137

ХОРИЖИЙ ШАРҚ МАСАЛАЛАРИ

Каримова Н. Сведения “Мин шилу” о торгово-посольских связях Китая и государств Центральной Азии в XIV–XV вв. 146

Алимова Л. Трансформация семейных отношений в Южнокорейском обществе в конце XX века 158

Акрамова Ш. Межгосударственное сотрудничество Республики Узбекистан и КНР 168

ЎзР ФА
Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти Илмий кенгашининг 2021 йил 2 июндаги 3-сонли мажлиси қарорига кўра нашрга тавсия қилинди.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Баҳром Абдуҳалимов
(Бош муҳаррир)

Сурайё Каримова
(Бош муҳаррир ўринбосари)

Салимахон Эшонова
(Масъул котиб)

Наталья Каримова
(Рус тили муҳаррири)

Акрам Ҳабибуллаев
(АҚШ, Инглиз тили муҳаррири)

Аҳмедов Ашраф
Бобожонов Бахтиёр
Баҳодиров Роиқ
Бўриев Омонулло
Дагели Жанин (Германия)
Жуманазаров Абдусаттор
Исломов Зоҳиджон
Қориев Одил
Мўминов Аширбек (Туркия)
Раҳимжонов Дурбек
Султонов Ўктамбек
Ходжаев Аҳад
Юсупова Дилором
Ғуломов Санжар
Ҳасанов Маҳмуд

Манзилимиз:
100170. Тошкент ш., Мирзо Улуғбек кўчаси, 79
Мурожаат учун:
***Телефон**: (8 371) 262-54-61,*
***Факс**: (8371) 262-52-77*
***E-mail**: beruni1@academy.uz*

20.09.2022 йилда босишга рухсат этилди. Қоғоз бичими 70x100 $^{1}/_{16}$. “Times New Roman” гарнитураси. Шартли босма табоғи 7. Адади 100 нусха. Буюртма рақами №: --. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси “Фан” нашриётида нашр этилди.

trace the policy of the Soviet government in relation to the former privileged layers of Turkestan society (“former people”), as former police chiefs, officials, and the national political elite (Khans, Qazis), the national and imperial bourgeoisie. This allows to determine the identify which particular social groups and strata of society belonged to them, which social markers were used by the authorities to label them, in which context certain combinations were used, and what is important, in which sections and articles of the fundamental law of the Soviet state these questions found their reflection.

***Key words**: the Legal status, «former people», TASSR, Uzbek SSR, 1918–1937 гг., Soviet constitutions, discourse, Soviet power.*

С. Тошев

Турк тилидаги тадқиқотларда мустақил Ўзбекистон тарихининг ёритилиши

Мустабид совет тузуми даврида Ватанимиз тарихи тоталитар мафкура босими остида сохталаштирилди. Тарихий жараёнлар, таниқли шахслар ҳаёти ҳукумрон мафкура манфаатларига мослаб, нохолис талқин этилган. Мустақиллик шароитида Ўзбекистон ўзига хос янгиланиш йўлидан ривожланмоқда. Янги имкониятлар даврида хорижда ҳам Ватанимиз тарихи ёритилишини ўрганиш ва тарихий ҳақиқатни тиклаш зарурияти долзарб масалага айланди [10: 28].

1980 йилларда Туркияда туркий халқлар ва Марказий Осиё халқлари тарихи бўйича тадқиқотлар жуда оз эди. Совет инқирозидан сўнг турк дунёси халқлари ўртасида алоқалар кучайди. Туркий дунёни ўрганиш учун институтлар иш бошлади. Туркий давлатларга бориш, кутубхоналар ва тарихий манбалардан фойдаланиш, турк ва бошқа тилларни ўрганиш имкониятлари кенгайди. Туркияда туркийшунослик соҳаси илмнинг алоҳида эътибор қаратилган йўналиши бўлиб кучайди.

1990 йиллардан Туркияда собиқ советлар ҳудуди ва Шарқий Туркистондан келган олимлар фаолиятида янги давр бошланди, илмий адабиётлар ва архив манбалар асосида Марказий Осиёга оид

тадқиқотлар сони ортди. Улар орасида Бушра Эрсанли, Гунай Гоксу Ўздуған каби бир қанча олимлар илмий ишларида Марказий Осиё тарихининг долзарб масалаларига чуқур ёндашдилар [6]. Мустақил Марказий Осиё республикалари тарихига бағишланган тадқиқотларда тарихий жараёнлар ва унга ёндашув масалаларига алоҳида эътибор қаратилди, бу соҳага доир кўплаб илмий адабиётлар нашр этилди. Улардан бири Семиҳ Ванер муҳаррирлигида чоп қилинган “Унутилган тарих: Совет Иттифоқидан кейин туркий тилли ҳудудлар” номли асардир. Унда “Туркий республикалар” деб номланувчи Марказий Осиё давлатлари, Самарқанд ва Бухоро тимсолидаги бой тарих, узоқ асрлик мустамлака даврида кечган истибдод даври кенг ёритилган. Совет Иттифоқи парчаланишидан кейинги вақтлар минтақа мамлакатлари ҳудудий ва маданий ўзлигини ҳисобга олган ҳолда илмий тадқиқ этиш зарурлиги таъкидланган. Бу давлатлар дастлабки даврларда Туркия билан мураккаб ва баъзан зиддиятли муносабатда бўлгани, ҳали ягона геосиёсий минтақа давлатлари бўлиб шаклланмагани муаммолари кўрсатилган, унинг сабаби унутилган тарихий муштараклик эканига урғу берилган [11].

Бушра Эрсанлининг “Тарихни ўрганишда ўзликни англаш сиёсати: Туркиядан Марказий Осиёгагача” китоби Туркия, Марказий Осиё республикалари ва Кавказдаги тарих таълими, миллий ўзлик ва сиёсий ирода муносабатларига бағишланган. Асарда тарихни ўрганишда давлатнинг мафкуравий муносабати таҳлил қилинган. Туркиядан Озарбайжон, Туркманистон, Ўзбекистонгача бўлган ҳудудда тарих таълими ва унга сиёсатнинг таъсири масаласи қиёсий ёритилган [7].

Бушра Эрсанли, Гунай Гуксу Ўздуған ҳаммуаллифликда ёзган “Мустақилликнинг биринчи йиллари (Ўзбекистон, Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркманистон)” рисоласи мустақил давлат бўлиб жаҳон саҳнасига чиққан ушбу республикалар дастлабки йилларда эришган сиёсий, ижтимоий, иқтисодий жараёнлар ва ўзгаришлар ҳақида мулоҳазалар билдирилган. Совуқ уруш давридан кейин Марказий Осиё республикаларининг Туркияда кўпроқ қизиқиш доирасига айланиши сабаблари таҳлил қилинган [6: 85].

Кемал Карпатнинг 2003 йилда нашр этилган “Туркия ва Марказий Осиё” номли китобида 1950–2000 йиллардаги Туркия – Марказий Осиё республикаларининг сиёсий-маданий алоқалари ёритилган. Туркиянинг

1950 йилдан кейинги Совет Иттифоқига нисбатан сиёсатига баҳо берилган. Умумий халқаро муносабатлар доирасида Яқин Шарқдан Марказий Осиёгача чўзилган минтақаларда иккинчи жаҳон урушидан кейинги мафкуравий, сиёсий муносабатлардаги ўзгаришлар таҳлил қилинган. Марказий Осиёдаги этник, дин, миллатчилик, сиёсий тузум каби жараёнлар, минтақа республикаларининг жаҳон ижтимоий тизими билан интеграциялашувида Туркия ва Эроннинг ўрни ҳақида кенг кўламли қарашлар тақдим этилган [9: 25, 86].

Марказий Осиё тарихшунослиги ва туркий жумҳуриятлар тарихи мавзуларида муҳим тадқиқотлар олиб борган Юнус Эмре Гурбуз Ўзбекистон, Қирғизистон ва Қозоғистондаги тарих фани дарсликларининг миллий тафаккур шаклланишидаги роли, мустақилликнинг йигирма йилида кечган ўзгаришлар, тарихшунослик масалаларига эътиборини қаратади [10: 78]. Ўзбекистон тараққиёт моделидаги устувор тамойиллар таҳлил қилади. Иқтисоднинг эркин ривожланиши учун амалга оширилган ислоҳотларни юқори баҳолайди. Айни пайтда давлатнинг бош ислоҳотчилик вазифаси иқтисодий эркинликни чекламаслигига урғу беради [5: 128].

Россия ва Марказий Осиё тарихи мутахассиси Анар Самунжуоғлу “Қозоғистон ва Ўзбекистон иқтисодиётининг ўтиш давридаги тараққиёт стратегиялари” китобида 1991 йилдан сўнг Россия ва мустақил туркий республикалардаги ўзгаришларни таҳлил қилади [3: 156]. Тадқиқотда ўтиш давридаги иқтисодиётнинг назарий инфратузилмаси Қозоғистон ва Ўзбекистон республикалари мисолида кўриб чиқилган.

Мармара университети профессори Фаҳри Солак тайёрлаган “Туркистон ва Кавказ библиографияси (тезислар, китоблар, мақолалар)” номли китобда ушбу минтақалар халқлари тарихи, маданияти, адабиётига оид 1928 йилдан 2007 йилгача чоп этилган жами 12538 та – 1540 дессертация, 2746 китоб ва 8252 мақола рўйхати келтирилган. Улардан 40 дессертация, 18 китоб ва 200 мақола мустақил Ўзбекистон тарихига оиддир.

Библиографиядаги маълумотларга кўра, Туркияда 1928 йилдан Туркистон ва Кавказга оид нашрлар йилдан йилга ортиб борган. 1920 йиллар охирида 123, 1930 йилда 176, 1960йилда 782, 1970 йилда 282 мақола эълон қилинган. 1980 йилларда содир бўлган ички ва ташқи ўзгаришлар натижасида нашрларнинг умумий сони 1500дан ошган.

1990 йиллар бошларида халқаро майдондаги сиёсий ўзгаришлар ва Совет Иттифоқи таркибида бўлган туркий Республикалар мустақилликка эришиши тадқиқотларнинг кескин ортишига сабаб бўлади ва нашрлар сони олти мингга яқинлашади [8: 6].

Туркияда Марказий Осиё тадқиқотларига оид маълумотларни ҳар ўн йилда монография шаклида чоп этиш анъанаси шаклланган. 2016 йилда Абдулваҳаб Кара ва Фаҳри Солак муаллифлигида ёзилган “Мустақилликнинг 25 йиллигида туркий Республикалар” монографияси нашр этилди. Минтақа республикаларининг сиёсий, иқтисодий ва маданий жараёнлари монографиянинг алоҳида бўлимларида ёритилган. 1991–2016 йилларда Ўзбекистон, Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Туркманистонда кечган тарихий жараёнлар баҳоланган. Бу давлатларнинг яқин тарихи, иқтисодий ва маданий тараққиёти ҳамда Туркия билан алоқаларини очиб беришга ҳаракат қилинган. Китоб 7 бўлимдан иборат, 5 та мустақил туркий Республикалардаги сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва маданий жараёнлар таҳлил қилинган. Туркий дунёда сўнгги 25 йил ичида содир бўлган ўзгаришлар ва мазкур қардош давлатларнинг ҳамкорлик истиқболлари ёритилган [1: 153].

Турк тадқиқотчиларидан Аҳмет Канлидере мустақил Ўзбекистоннинг 25 йиллик тарихий тараққиёт хусусиятлари ҳақида мулоҳазаларини билдиради. Мустақилликка эришиш жараёнлари, кейинги воқеалар, ташқи сиёсат, Туркия, Россия, АҚШ ва Хитой билан алоқалар, мамлакат иқтисодиёти, маданий ҳаёти, лотин алифбосига ўтиш ва тарихшунослик масалалари, матбуот ва адабиёт, Ўзбекистон маданият марказлари каби мавзуларни ёритади. 1991 йилда Совет Иттифоқи парчалангач, Ўзбекистон, Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Туркманистон республикалари мустақиллигини биринчи бўлиб Туркия Республикаси тан олганига алоҳида урғу беради. Ўтган 25 йил ичида Туркия ва Ўзбекистон республикаларида амалга оширилган ислоҳотлар ва унинг дунё миқёсида эътирофга сазовор бўлиши эришилган ютуқ сифатида баҳоланади. Муаллиф Туркия билан дўстона муносабатлар ривожланиши ҳақида фикр юритиб, Ўзбекистондаги иқтисодий барқарорлик ва ташқи сиёсатдаги ютуқларни эътироф этади. Туркий қардош давлатлар ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш мақсадида ТУРКСОЙ, ТУРКПА (Туркий тилли парламентлар

ассамблеяси), Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгаши (Туркий Кенгаш), Туркий тиллар академияси ва Турк дунёси мунитсипалитетлари иттифоқи (ТДББ) каби ташкилотларнинг самарали фаолиятлари натижасида Туркий республикалар ўртасидаги интеграциянинг кучайиши ушбу давлатларнинг келгуси тараққиёти учун муҳим аҳамиятга эгалигини таъкидлайди [1: 205].

Тарихчи Зеҳра Мумжу уч бўлимдан иборат “Ўзбекистон” номли рисоласида сиёсий ва иқтисодий соҳаларга диққатини қаратади. Биринчи бўлимда Ўзбекистон географияси, демографик тузилмаси, тарихий тараққиёти, мустақиллик учун олиб борилган курашлар тарихи, иқтисодий тизим, қишлоқ хўжалиги, ўрмончилик ва чорвачилик, ишлаб чиқариш саноати, кончилик ва энергетика, транспорт ва алоқа, туризм, ташқи иқтисодий алоқалар, Ўзбекистон – Туркия муносабатлари каби долзарб масалалар ёритилган.

Иккинчи бўлимда бозор, ташқи савдо режими, чет эл капиталига доир ва солиқ қонунчилиги, паспорт ва виза тартиблари, божхона назорати каби соҳалар ҳақида маълумот берилган. Мазкур рисолада Ўзбекистон ҳақида умумий ва соҳавий ахборотлар жамланган, статистик маълумотлар асосида иқтисодий ривожланиш кўрсаткичлари таҳлил қилинган [14: 2–105].

Тадқиқотчи Ҳалук Алканнинг “Марказий Осиё Турк Республикаларида сиёсий ҳаёт ва сиёсий институтлар” номли асарида зикр этилаётган соҳага таъсир кўрсатадиган барча ижтимоий унсурлар ва бу мамлакатлар мустақилликка эришгандан сўнг содир бўлган ўзгаришларга эътибор қаратилган.

Асарнинг биринчи бўлимида сиёсий режим тузилмаларига оид жорий тушунчалар ва бу мавзуга турлича ёндашувлар муҳокама қилинади. Муаллиф сиёсий режимлар мамлакатдаги сиёсий тизимнинг таркибий ўлчовини ташкил этиши, уни ҳар томонлама ёритиш учун институционал ва функционал жиҳатларни умумлаштирилиб таҳлил қилиш зарурлигини таъкидлайди. Сиёсий режимни бошқарув фаолияти билан боғлиқ барча институтлар, жараёнлар иштирокидаги ижтимоий-иқтисодий шароитларга кўра шаклланадиган ҳодиса сифатида белгилайди [4: 2].

Китобнинг иккинчи бўлимида СССР қулагач, юқорида қайд этилган мамлакатларда кечаётган ижтимоий жараёнлар таркибидаги

сиёсий режимлар демократик ёки авторитар бошқарувдан бири етакчилигида шаклланишини таъкидлайди [4: 8]. Авторитар сиёсат ҳатто ривожланган демократик давлатларда ҳам учраши, сиёсий бошқарувга ички ва ташқи таҳдид таъсири бўлиши мумкинлиги кўрсатилади. Китобда зикр этилаётган мамлакатларнинг тарихий, маданий, ижтимоий ва иқтисодий ривожланиши, конституция, сайлов тизими, сиёсий партиялар ва улар билан боғлиқ меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, етакчилар ва мухолифат тузилмаларининг ижтимоий асослари ҳақида маълумот тўпланган. Халқаро ва минтақавий ташқи сиёсий фаолият масаласи алоҳида муҳокама қилинади. Мустақилликка эришгандан сўнг Марказий Осиёдаги барча Республикалар режимлари унитар, ягона президентлик бошқаруви асосида тузилганига урғу берилади. Россия таъсир доирасидан чиқиши, географик жойлашуви ва миллийлашуви бўйича Ўзбекистон ва Туркманистондаги жараёнлар юқори баҳоланган.

Ушбу асар Марказий Осиё республикалари архив фондлари, расмий статистик маълумотлар, китоблар, турли журналлар мақолалари, айрим халқаро ташкилотлар ва ахборот агентликлари ҳисоботлари асосида тайёрланган. Мутахассислар билан суҳбатлар ҳам муаллиф мулоҳазалари ва хулосаларини тиниқлаштирган. Китобда мамлакатларнинг давлат бошқарув хусусиятларини таҳлил қилишда қўлланиладиган усуллар ҳам кўрсатилган. Асар шу жиҳатлари билан сиёсатшунослик ва халқаро муносабатлар соҳасига оид қимматли тадқиқот ҳисобланади [4: 228].

Марказий Осиёдаги мустақил Республикаларнинг энг янги тарихи ва сиёсий жараёнлари ҳақида ёзилган яна бир муҳим асар Фират Ялдизнинг “Туркий жумҳуриятлар 30 йиллигида: глобал сиёсат” китобидир. У Туркий Республикаларни илмий ўрганиш бўйича фаолият юритаётган олимлар билан самарали ҳамкорлик асосида ёзилган. Туркий Кенгаш ташкил топган 2009 йилдан Туркий Республикаларнинг бирлигини мустаҳкамлаш ва муштарак келажагини умумий қадриятлар асосида қуришга қаратилган кўплаб муҳим лойиҳаларни амалга ошириб келмоқда. Фират Ялдизнинг мазкур асарида Туркий Республикаларнинг 30 йиллик (1991–2021) ривожланиш йўллари, умумжаҳон сиёсати жараёнларидаги иштироки, Россия, Хитой, Эрон, Америка Қўшма Штатлари, Европа Иттифоқи, Туркия билан муносабатлари каби 21 муҳим масала тадқиқ этилган.

Ушбу республикаларнинг сиёсий тарих нуқтаи назаридан жуда қисқа вақт ичида қўлга киритган тажриба ва ютуқлари жиҳатидан анча муваффақиятли, деб баҳоланган. Китоб Туркий Кенгашга аъзо давлат раҳбарлари томонидан 8-Туркий Кенгашда қабул қилинадиган "Турк дунёси – 2040" ва "Туркий Кенгаш Стратегияси – 2020–2025" расмий ҳужжатлари билан бир вақтда нашр этилди [14: 85].

Аҳат Андижоннинг "Усмонлилардан ҳозирга қадар Туркия ва Марказий Осиё" асари ҳам ушбу йўналишда амалга оширилган муҳим илмий ишлардан биридир. Унда туркларнинг Анадолуга кириб боришидан Усмонли салтанатининг қулаши, Туркия мустақиллиги учун кураши йилларидан ҳозирги кунгача кечган тарих, Туркия ва Марказий Осиё алоқалари тадқиқ этилган. Бу китобда дўстлик ва маданий алоқаларни ўранатишга катта ғов бўлган Совуқ уруш йиллари, Совет Иттифоқининг парчаланиши, янги даврдаги муносабатлар атрофлича кўриб чиқилган. Ҳар бир боб бошида берилган даврнинг сиёсий харитаси асарни кўргазмали тарзда бойитиб, тарихий мавзуни тўғри ва осонроқ тушунишга кўмаклашади [2: 5].

Асарда Усмонли беклиги давридан Совет Иттифоқининг парчаланишигача бўлган тарихий жараёнлар Туркия ва Ўзбекистон тарихшунослиги қарашлари қиёсида кўриб чиқилган. Ўнта асосий мақолада Усмонлилар давридан ҳозирги кунгача Туркия ва Марказий Осиё халқлари алоқалари ёритилган. Тўққизинчи бобда Совуқ уруш йилларида туркистонликларнинг Туркияга мигирацияси ҳақида ҳам фикр юритилган ва кўплаб тарих китобларида учрамайдиган муҳим тафсилотлар баён этилган. Туркия ижтимоий, сиёсий ва маданий жараёнларида туркистонликлар иштироки юқори баҳоланган. Совет Иттифоқининг парчаланиш даврига бағишланган ўнинчи бобда Туркистондаги ижтимоий аҳвол қайта қуриш сиёсати доирасида барча жиҳатлари билан тадқиқ қилинган. Муаллиф Туркия ва Марказий Осиё ўртасидаги муносабатларни кенг тарихий миқёсда ўрганиш ва баҳолашда бирламчи манбалардан фойдаланган. Иш якунида улар муштарак маданият ва тарихга эгалиги, уларни бир-биридан ажратиб тадқиқ этиш тўғри эмаслиги алоҳида қайд этилади [2: 185].

Туркияда Ўзбекистон тарихи ўрганилишига назар солинганда мустақилликнинг дастлабки йилларида тадқиқотлар сони ортгани кўзга ташланади. Бу даврда кўпроқ иқтисодий, маданий ва диний

жараёнлар ёритилган. Сўнгги йилларда Ўзбекистонннинг Туркия ва туркий давлатлар билан дўстона қардошлик алоқалари, сиёсий ва ижтимоий жараёнларга оид тадқиқотлар қамрови кенгайиб бормоқда.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Abdulvahap Kara, Fahri Solak. Bağimsizliklarinin 25. yilinda Türk Cümhuriyetleri (Siyasi, Ekonomik ve Kültürel Gelişmeler)// Türk Dünyası Belediyeler Birliği (TDBB) Yayınları. İstanbul, 2017
2. Ahat Andican. Osmanli'dan günümüze Türkiye ve Orta Asya. Doğan Kitap. Istanbul, 2009.
3. Anar Somuncuoğlu. Kazakistan ve Özbekistan Ekonomileri Geçiş ve Büyüme Stratejileri. Ankara, 2001.
4. Alkan, Haluk Orta Asya Türk Cumhuriyetlerinde Siyasal Hayat ve Kurumlar: Kazakistan, Özbekistan, Kırgızistan, Türkmenistan. USAK Yayınları. Ankara, 2011.
5. Balım, Çiğdem, Gürbüz, Yunus Emre. O’zbekiston Respublikasi: Özbek Modeli. Atatürk Kültür Merkezi. Ankara, 2012.
6. B. E. Behar, G. Özdoğan, N. İncioğlu, Bağımsızlığın İlk yılları (Azerbaycan Kazakistan Kırgızistan Özbekistan Türkmenistan). Kültür ve Turizm Bakanlığı Yayınları. Istanbul, 2009.
7. Büşra Ersanlı. Tarih Eğitiminde Sen Kimsin Siyaseti: Türkiye'den Orta Asya'ya. Tarih Vakfı Yurt Yayınları. Ankara, 2019.
8. Fahri Solak.Türkistan ve Kafkasya Bibliyografyası: Tezler, Kitaplar, Makaleler. Türk Dünyası Belediyeler Birliği.Istanbul, 2007.
9. Fırat Yaldiz. 30. yilinda Türk Cumhuriyetleri küresel politika. Ankara, 2021.
10. Gürbüz, Yunus Emre, Fahri Unan, Türk Tarihinden Seçme Şahsiyetler. Turkish Manas University. Bishkek, 2017
11. Kemal H., Karpat.Türkiye ve Orta Asya. İmge Kitabevi. Ankara, 2003.
12. Sanobar Sh. Nemis va turk tarixshunosligida sovet mustamlaka-chiligiga qarshi kurash masalalari. Abu Matbuot Konsalt, Toshkent, 2008.
13. Semih Vaner. Unutkan Tarih: Sovyet Sonrası Türkdilli Alan. İstanbul, 1997.
14. Zehra Mumju. Özbekistan. Istanbul ticaret odasi yayinlari. Istanbul, 1992.

С. Тошев

Турк тилидаги тадқиқотларда мустақил Ўзбекистон тарихининг ёритилиши

Мустақиллик даврига келиб, Ўзбекистон тарихи хорижда катта кўламда ва ҳар жиҳатдан ўрганила бошлади. Туркияда ҳам ватанимиз тарихига оид тизимли замонавий илмий тадқиқотлар кенг йўлга қўйилди. Кўплаб илмий марказлар ва илмий тадқиқот институтларида Марказий Осиё ва Ўзбекистон тарихига оид тадқиқотлар амалга оширилди. Илмий адабиётлар ва таҳлилий материаллар нашр қилинди. Мақолада Туркия олимлари томонидан Ўзбекистон халқининг мустабид тузум давридаги мураккаб ижтимоий-сиёсий ҳаёти, озодлик учун курашлари тарихи, мустақиллик йилларида иқтисодий, маданий ва маърифий соҳаларнинг ривожланиш жараёнларига оид амалга оширилган тадқиқотлар хусусида мулоҳазалар юритилади.

Калит сўзлар: *Туркия, мустақиллик, Ўзбекистон, Марказий Осиё, тарихшунослик, илмий адабиётлар.*

С. Тошев

Освещение истории независимого Узбекистана в турецкоязычной литературе

В период независимости история Узбекистана стала широко и во всех аспектах изучаться за рубежом. В Турции широко развернулись систематические современные научные исследования по истории нашей родины. Исследования по истории Средней Азии и Узбекистана проводились во многих научных центрах и научно-исследовательских институтах. Издана научная литература и аналитические материалы. В статье рассматривается сложная общественно-политическая жизнь народа Узбекистана в колониальном периоде, история его борьбы за свободу, а также исследования, проведенные турецкими учеными процессов развития экономической, культурной и образовательной сфер в годы независимости.

Ключевые слова: *Турция, независимость, Узбекистан, Средняя Азия, историография, научная литература.*

S. Toshev

Covering the history of independent Uzbekistan in Turkish language literature

During the period of independence, the history of Uzbekistan began to be studied abroad on a large scale and in all aspects. Systematic modern scientific research on the history of our homeland has been widely launched in Turkey. Research on the history of Central Asia and Uzbekistan was carried out in many scientific centers and scientific research institutes. Scientific literature and analytical materials were published The article discusses the complex social and political life of the people of Uzbekistan during the colonial period, the history of their struggle for freedom, and the research conducted by Turkish scientists on the development processes of the economic, cultural and educational spheres during the years of independence.

Key words: *Turkey, independence, Uzbekistan, Central Asia, historiography, scientific literature.*

Бизнинг авторлар

1. **Абдуҳалимов Баҳром Абдураҳимович** – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти директори, ЎзРФА вице-президенти
2. **Акрамова Шоира Мухамедаминовна** – Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик институти кичик илмий ходими.
3. **Алимова Лазиза Алишер қизи** – Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Абу Райҳон Беруний номидаги шарқшунослик институти кичик илмий ходими.
4. **Ибрагимов Фахриддин Нусратович** – Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик институти кичик илмий ходими.
5. **Исматова Наргиза Адхамовна** – тарих фанлари бўйича фалсафа доктори, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти илмий ходими.
6. **Каримов Шерзод Шавкат ўғли** – Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти таянч докторанти.
7. **Каримова Наталья Эрмановна** – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик институти бўлим мудири.
8. **Пуговкина Оксана Геннадьевна** – тарих фанлар номзоди, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти катта илмий ходими.
9. **Раджабова Дилора Назаровна** – тарих фанлар номзоди, Самарқанд Давлат университети тарих факултети тарихшунослик ва манбашунослик кафедрасининг доценти
10. **Разаков Фаррух Абдумўминович –** Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти таянч докторанти.

11. **Разакова Мавжуда Саттаровна –** тарих фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик институти, картотека бўлими мудири.
12. **Таниева Гулдона Мамановна** – тарих фанлари доктори, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети доценти.
13. **Тошев Солижон Аҳмаджонович** – Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти таянч докторанти.
14. **Файзуллаев Фаррух Эшқабулович** – Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти таянч докторанти.

Наши авторы

1. **Абдухалимов Бахром Абдурахимович** – доктор исторических наук, профессор, директор Института востоковедения им. Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан, вице-президент АН РУз.
2. **Акрамова Шоира Мухамедаминовна** – младший научный сотрудник Института Востоковедения Академии наук Республики Узбекистан.
3. **Алимова Лазиза Алишер кизи** – младший научный сотрудник Института востоковедения им. Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан.
4. **Ибрагимов Фахриддин Нусротович** – младший научный сотрудник Института востоковедения им. Абу Райхана Беруни Академии Наук Республики Узбекистан.
5. **Исматова Наргиза Адхамовна** – доктор философсик наук (PhD) по истории, старший научный сотрудник Института востоковедения им. Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан.
6. **Каримов Шерзод Шавкат угли** – базовый докторант Института востоковедения им. Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан.
7. **Каримова Наталья Эрмановна** – доктор исторических наук, профессор, заведующая отделом Института востоковедения им. Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан.
8. **Пуговкина Оксана Геннадьевна** – кандидат исторических наук, старший научный сотрудник Института Истории Академии наук Республики Узбекистан.
9. **Раджабова Дилора Назаровна** – кандидат исторических наук, доцент кафедры историографии и источниковедения исторического факультета Самаркандского государственного университета.

10. **Разаков Фаррух Абдумумнович –** базовый докторант Института востоковедения им. Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан.
11. **Разакова Мавжуда Саттаровна** – кандидат исторических наук, заведущий отделом картотеки Института востоковедения им. Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистана.
12. **Таниева Гулдана Мамановна** – доктор исторических наук, доцент Ташкентского государственного педагогического университета им. Низами.
13. **Тошев Соледжон Ахмаджонович** – базовый докторант Института востоковедения им. Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан.
14. **Файзуллаев Фаррух Эшкабулович** – базовый докторант Института востоковедения им. Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан.

Ours authors

1. **Bakhrom A. Abdukhalimov –** Doctor of Science (in History), professor, Director of the Abu Raykhan Beruni Institute of Oriental Studies, Uzbekistan Academy of Sciences, vice-present UzAS.
2. **Dilora N. Radjabova** – Candidate of Historical Sciences, Associate Professor of the Department of the Historiography and Source Studies, history faculty Samarkand state university
3. **Farrux A. Razakov** – Basic doctoral student at the Institute of Oriental Studies named after Abu Rayhan Beruni of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan.
4. **Farrux E. Fayzullayev**– Basic doctoral student at the Institute of Oriental Studies named after Abu Rayhan Beruni of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan.
5. **Faxriddin N. Ibragimov** – Senior scientific researcher of Institute of Oriental Studies, Uzbekistan Academy of Science.
6. **Guldona M. Taniyeva** – DSc, dotsent of the Tashkent Pedagogical University name after Nizami.
7. **Laziza A. Alimova** – Junior Researcher at the Abu Rayhan Beruni Institute of Oriental Studies of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan.
8. **Mavjuda S. Razakova** – Candidate of Historical Sciences, Head the filing department, institute of oriental Abu Rayhan al-Biruni Academician of the Academy of Sciences of the Respublik of Usbekistan.
9. **Nargiza A. Ismatova**– Doctor of Philosophy in historical sciences (PhD), Researcher at the Institute of Oriental Studies named after Abu Rayhan Beruni of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan.
10. **Natalya E. Karimova** – Doctor of Science (in History), Professor, head of the department of Abu Raykhan Beruni Institute of Oriental Studies, Uzbekistan Academy of Science.
11. **Oksana G. Pugovkina** – Senior Research Fellow, Institute of History Academy of Sciences of Uzbekistan.

12. **Sherzod Sh. Karimov**– Basic doctoral student at the Institute of Oriental Studies named after Abu Rayhan Beruni of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan.
13. **Shoira M**. **Akramova** – Junior Researcher of Institute of Oriental Studies of Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan
14. **Solejon A. Toshev** – Basic doctoral student at the Institute of Oriental Studies of the Academy of Sciences of Uzbekistan.